

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
12-iyun
chorshanba
№ 24 (1399)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * f Hurriyat gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимизда меҳр-оқибат, бағрикенглик, мурувват, дўстлик ва ҳамжиҳатлик каби эзгу тамойилларни мустаҳкамлаш борасидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ушбу қутлуғ айёмни муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик ғоялари ҳамда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2024 йилда муборак Қурбон ҳайитининг биринчи куни **16 июнь** – яқшанба кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, юртимизда **16 июнь** куни Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Куйидагилар:

а) Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ;
ишланмайдиган байрам куни ҳисобланувчи Қурбон ҳайитининг биринчи куни дам олиш кунига тўғри келиши муносабати билан ушбу дам олиш куни **17 июнь** – **душанба** кунига кўчирилиши;
бунда ишлаб чиқариш-техник ва ташкилий шароитлар (мавжуд улуксиз ишлаб чиқариш, аҳолига ҳар куни хизмат кўрсатиш, навбатчилик асосида ишлаш ва бошқалар) тўғрисида ишланмайдиган байрам кунлари тўхтатиб қўйиш мумкин бўлмаган ишларни бажаришда дам олиш кунлари кўчирилмаслиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 22 декабрдаги "2024 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини

кўчириш тўғрисида"ги ПФ-213-сон Фармони билан **18 июнь** – сешанба куни барча ходимлар учун қўшимча дам олиш куни этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича кўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда муборак Қурбон ҳайитини халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказиш учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Туризм кўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юрдошларимиз учун муборак Қурбон ҳайити кунларида **муътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларни ташкил этиш** мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М. Камиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 11 июнь

ҚАРДОШЛАРИМИЗ

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 6-7 июнь кунлари Туркияга расмий ташрифи доирасида халқларимиз ва давлатларимиз ҳақидаги: "Бир миллат, икки давлат" деган янги ифода қайта-қайта янгради. Бунинг замирида икки қондош, қардош, диндош халқ онг-тафаккурида ажиб бир яқинлик, меҳр-муҳаббат ва ўзгача ҳис-туйғу пайдо қилди.



ИККИ ҚАРДОШ ВА ЖОНДОШ ЭЛ

Ё фикр, ё шукур

Дунёнинг ўн та давлатида бўлганман. Бир муддат Ташқи ишлар вазирлигида масъул вазифада ишлаган, иккинчи даражали иккинчи котиб дипломатик мартабасига эга бир ўзбек зиёлиси учун бу жуда кўп ҳам, унча кам ҳам эмас, албатта.

Эҳтимол, ўн беш-ийгирма йиллардан кейин Ўзбекистониимиз аҳли учун узок ё яқин чет элга бориб келишининг у қадар эътибори қолмас. Лекин, ҳозирча зиёлиларимизнинг хорижга сафарга бориб келишининг алоҳида ўрни ва аҳамияти бор деб ўйлайман. Ахир зўр бир мақолимизда: "Бирни кўриб, шукур қил, бирни кўриб, фикр қил!" — дейилади. Ҳар бир давлатга сафар амалда ниманидир кўриб, фикр қилишга, ниманидир кўриб, шукур қилишга ундайди.

Шукур қилиш учун ҳам, фикр қилиш учун ҳам сафарга чиқмоқ керак. Ҳам жисман, ҳам фикран.

Жумабозор

Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида Пайшанба кишлоғи бор. Пастдарғом туманида эса "Жумабозор" деган жой учрайди. Нега буларнинг оти шунақа? Чунки қадимдан бозорлар кўчиб юрган. Ҳафтанинг етти кунидега етти жойда бозор бўлган. Пайшанба кун бозор бўладиган кишлоқ аввал "Пайшанбабозор", кейин-кейин қисқартирилган ҳолда "Пайшанба" дейилиб кетган.

Пойтахт Анқара шаҳрининг Кечийўран илчаси (тумани)га қарашли биз кўнган Бағлум мавзесидаги "Кавказ" маҳалласида усти ёпиқ айвонлардан иборат очик бозор бор экан. Ҳар жума кун бу ерда мева-сабзавот савдоси ташкил этиларкан. Жума кун бозор, асосан, пешин намозидан кейин қизир экан. Дарвоқе, яқин жойда масжид ҳам мавжуд. Пешингача бориб, бу ердаги пештахталарга уйилган маҳсулотларни кўрган одамни ваҳима босади: "Шунча маҳсу-

лотни ким олар экан?" — деб ўйлаш-да бошида. Пешингача, очиги, сотувчиларга раҳимингиз қилиб, Чунки сотилмас, шунча маҳсулотни яна йиғиштириб, қайтариб олиб кетиш керак. Эртангача унинг тармевадлиги қолмайди-да. Аммо бозор намозшомга қараб шундай қизир эканки! Одамлар ишдан қайтган, халталарини кўтариб, тўппа-тўғри бозорга қараб югурар экан-да. Бузилайдиган кўп маҳсулотларнинг бир ҳафталигини жамлаб олишар экан.

Намозшом чоғи қизикчилик учун яна бозорга бордим. Ишонмайсиз, тоғ-тоғ уйилган маҳсулотларнинг тағи кўришиб қолибди. Баъзи пештахталар бўшаб ҳам бўлган. Очиги, энди сотувчиларга ҳавасим ҳам келди. Ҳар қанча чарчаган бўлмасин, уларнинг кечки бозор маҳали маҳсулотлар арзонлашганини эълон қилаётгандаги завқ-шавқини кўрсангиз. Чунтак пулга тўлган-да.

2-6

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН УЧ ВИЛОЯТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги "Poly Tex Sirdaryo" кластерининг мажлис залда "Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда воқеани хolis ёритиш: бугунги ҳолат, таҳлил, таклиф ва тавсиялар" мавзусида семинар ўтказилди.



Унда уюшма раиси в.б. Холмурод Салимов иштирок этиб, "Интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларда ахборот тарқатиш масъулияти" мавзусида сўз юритди.

Мулоқот чоғида кейинги йилларда интернет нашрлари сони сезиларли даражада ошгани, сўз масъулияти, жойларда бўлаётган воқеа-ходисаларни хolis ёритиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини оммага ҳаққоний етказиш медиа соҳа ходимларига катта масъулият юклаши айтиб ўтилди. Уюшманинг Сирдарё вилояти бўлими раиси Бойжигит Абдуллаев олиб борган тадбирда Тошкент вилояти бўлими раиси Раҳматилла Шералиев, Наманган вилояти бўлими мутахассиси Саидолим Абдурахмонов, Гулистон давлат университети наشري — "Университет овози" газетаси бош муҳаррири Мунаввар Пардаев мавзу юзасидан маъруза қилди.

Семинарда "Янги Сирдарё" газетаси бўлим мудир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Холида Пардабоева, уюшманинг Наманган вилояти бўлими раиси Носиржон Деҳқонов, "Чиноз ҳаёти" газетаси муҳаррири Шаҳбоз Низомиддинов, "Наманган ҳақиқати" газетаси бўлим мудир Гулчехра Бувамирзаева ва бошқалар интернет ҳамда ижтимоий тармоқларда воқеани хolis ва ҳаққоний ёритишда учраётган мавжуд камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари, шунингдек, босма нашрларнинг жамият ҳаётида тугган ўрни, мазкур йўналиш бўйича мавжуд муаммолар, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Семинар якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди. Бир гуруҳ фаол журналистларга Уюшма ташаққуномалари топширилди.

2-6

МУТОЛАА

НИЯТ ВА АМАЛ

Ёзувчи Хайриддин Султоннинг
"Ишонч телефони" китобини ўқиб...



8-6

ТАЛҚИН

ТАРИХ ТАХТИДАГИ МАЛИКАЛАР ҚИСМАТИ

ёхуд адиба қаламининг сеҳрли замзамалари



Шаҳодат Исахонова... Адабий иқлимда бу ном илк бор оғизга тушганида биз журналистика факультети биринчи курс талабалари эдик. Ёш адибанинг қаламидан тўкилган, бу зиддиятли дунёнинг юзига тўтилган кўзгуда кўринган тимсоллар ҳар қандай қалбни ўзига ром этарди. Ўқувчилар диққатига ҳавола қилинаётган ҳикояларидан қулоқларингизга бир сеҳрли

куйдек оқиб кираётган оҳанглар бу кўхна дунёнинг мастона шивирлашлари билан уйқашиб кетарди. Ҳикояларнинг фавкуллода ечими юрагингизни титратиб юборар, тубсиз хаёллар қаърига тортиб кетар, мудраб ётган ҳисларингизни уйғотар, қалбингизни симиллаган оғриққа тўлдириб юборарди.

7-6

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Мени ҳам



ТИНГЛАНГ...

"Қиз бола палахмон тоши, қаерга отса, шу ерга бориб тушади", деган ибора бор. Қачонлардир кимнингдир оғзидан бехосдан чиқиб кетган бу жумланинг умри жуда узун экан, шу кунларга ҳам етиб келди. Етиб келдигина эмас, ҳаёт шиорига айлиб кетди.

Жамиятда қиз фарзанд тақдирини билан палахмон тошини қиёслаш қанчалик тўғри-ноўғрилигини билмайман-у, аммо бу ақида энди эскирди, шекилли. Майли, бу ҳақда бўлар-бўлмас фалсафа сўқимасдан мақсадга кўчайлик.

Атрофимда кечаётган воқеалар, гувоҳ бўлаётганимиз — турли аянчли тақдирлар бу масала ҳақида чуқурроқ фикр юритишга ундади. Келинг, бир неча ҳаётий мисолларни биргаликда таҳлил қилайлик.

Яқинда бир дугонам турмушга чиқиши маълум бўлди. Тўй олди у билан кўришдик ва анчагина суҳбатлашдик. Айтишимча, куёв узидан саккиз ёш катта ва улар совчи орқали танишишган. Қизнинг норозиликка қарамай, ота-онаси уни шу йилгитга узатишмоқчи экан. Дугонам анчагина сиқилиб қолган эди ва бир неча кундан сўнг турмушга чиқадиган қизга ҳеч ҳам ўхшамасди. Менимча, оила кураётган инсонлар бахтдан еттинчи омонда учини керак, аслида.

Яна бир опам эса ўзи ёқтирган инсон ҳақида ҳатто онасига гапиршига ийманади, бундан кўрқарди. Чунки мавзу очилмасданок уни чегаралашган ва ўзлари топган тагли-тугли оиланинг фарзандига беришларини ўқтириб келишган...

Коллежда бирга ўқиган курсдошим бўлар эди. Оила куриш бора-сида у ҳам жуда катта муаммога дуч келди. Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, икки йил бурун онаси қазо қилган эди. Шундан бир йил ўтар-ўтмас дадаси ва аммалари қизни турмушга бериш пайига тушиб қолишди. Шундай ҳам қилишди. Бу тарафдан қизни қариндошлари мажбурлашган, у тарафдан йилгитнинг ота-онаси "шу қизга уйланасан" дея қишашган. Қиз-ку, тақдирим дея йилгитга кўникишга ҳаракат қила бошлаган эди. Аммо тўйига бир неча кун қолганда, йилгит унга: "Ота-онам мажбурлагани учун сенга уйланман, мендан ошиқча нарсаси кутма! Чидасанг шу, чидамасанг..." деган сўзларни айтибди.

2-6

ИККИ ҚАРДОШ ВА ЖОНДОШ ЭЛ

Ҳаммага тенг байрам

1-6. Дарвоқе, ўтган аср бошларида тилимизда аҳолининг катта қисмини англадиган "йўқил" сўзи ҳам фаол қўлланган. Бу сўз ҳозирги турк тилида ҳам фаол. Бу йилги Қурбон ҳайити арафасида "Кавказ" маҳалласида бир плакат кўрдим. Унда: "Kurbanlariniz Yoksullarin Bayrami olsun!" — деб ёзиб қўйилган. Шундоқ ҳам тушунарли бўлса-да, таржимасини келтирай: "Қурбонларингиз камбағалларнинг байрами бўлсин!" Бу — қурбонликларни муҳтожларга тарқатинлар, деган даъват, аслида. Бу гапда "Қурбон ҳайити — мўмин-муслмонлар байрами. Бу айёмда муслмонлар қурбонлик сўйиб тарқатиб, энг ночор оилаларга ҳам байрамона шодлик улашадилар" деган маъно ҳам бор. Чунки бу қутлуғ айём Туркияда ҳам, шубҳасиз, ҳаммага тенг байрам ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, Қурбон ҳайити инсонларни ўзаро ҳурмат, меҳр-мурувват, саховат ва ҳамжиҳатликка чорловчи улуг айёмдир.

Текин автобус

Туркия 2022 йили Қурбон ҳайитини тўққиз кун давом олиш кунини сифатида нишонлади. Анкарадан кўплар ё туғилиб ўсган вилоятга, ё денгизли худудларга дам олишга кетди. Пойтахтда шунинг дастлабки тўрт кунда автобуслар ҳамма учун бепул бўлди. Автобус кираси уша пайтда биздаги 4 минг сўмга тўғри келишини ҳисобга олсак, бу давлатнинг аҳолига катта хизмати ҳисобланади. Шунинг ҳам инобатга олиш кераки, 6 миллионли бу улкан шаҳарда бир ерга бориш учун кўпчилик, бир неча автобуса чиқишга тўғри келади.

Тилдаги фарқларимиз

Ўтган ўн тўрт аср мобайнида тилимизга арабчадан ниҳоятда кўп сўз кириб келди. Олимларнинг аниқлашчи, Навоий асарларида ишлатилган жами 26 мингдан ортиқ калиманинг 26 фоизи айнан арабча. Ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам арабий сўзлар тахминан шунча фоизни ташкил этса керак. Бу жиҳатдан биз қирққа яқин туркий тил орасида биринчи ўринда турамыз. Чунки турклар Мустафо Камол Отатурк ўз ҳукмронлиги замони(1923-1937)да арабий ва форсий сўзларни тилдан сиқиб чиқариш сиёсатини юритган. Бутунлай сиқиб чиқара олинмаган, албатта. Аммо кескин камайтиришган. Тилимизни бугунги турк лисонидан узоқлаштирган сабаблардан бири ҳам шу. Усонлилар давридаги турк тили бизга анча яқин эди.

Шеърсевар ҳайдовчи

Анкарада шеърсевар ҳайдовчилар ҳам топилди. Бир ҳайдовчи машинаси бортига икки ҳикмат битиб қўйибди. Иккаласига ҳам қойил қолмай илҳомингиз йўқ. Биринчиси вазнан расо бўлмаса ҳам, мазмунан кучли, қофияси оҳорли ва жозибадор: **Fazla bakma, nazar edersin, gūzalim, Gel, beraber gezalim.** Мазмуни: **Кўп қарама, кўзинг тегади, гўзалим, (Ўндан кўра), кел, бирга кезайлик!** Иккинчиси жуда кучли ифодаланган, у таржимасиз ҳам ҳар қандай муслмон туркий миллат вакилига тушунарли, чунки унда қўлланган тўрт сўз ҳам, асли, арабчадан кириб келган: **Zalime merhamet — mazluma zulūm.** Таржимаси: **Золимга марҳамат — мазлума зулм.** Ўлмас ҳикмат! Шундай эмасми?

Тилнинг алкаш-чалкаш нуқталари

Тил — муттасил равишда ривожланиб боришга маҳкум. Чунки ҳаётда тинимсиз янгила-нишлар юз бераверади-да. Кириб келган ҳар бир воқеа-ҳодиса, тушунча ва ҳаракатга ном бериш керак.

Кўп қаватли яшаш уйлари бизда шўро даврида пайдо бўлди. Унгача "уй" ёки "ҳовли" деганмиз. Ифодали қилиб "ватан" ҳам деб атаймиз. Фарғона водийсида "эшик" ҳам дейишди. Хўш, кўп қаватли уйни нима дейишимиз лозим? Унинг ичигаги ўзимизнинг алоҳида, оилавий турар-жойимиз, яъни квартирамизни-чи?

Адабий тилда аҳоли яшаш учун қурилган бундай баланд бинони "кўп қаватли уй" деймиз, ичигаги алоҳида оила яшаш учун мўлжалланган қисмини эса "хонадон" деймиз. Аммо, афсуски, иккаласи ҳам унчалар ўрнига тушган ифода эмас. Исботи — халқ ўзаро сўзлашганда бу атамаларни қўлламаётгани-да. Оқибатда адабий тил оммадан ажраб қоляпти. Ишонмасангиз, Тошкент шаҳридаги эълонларни кузатинг. "2 хонали дом сотилади", деб ёзилади. Бу кўп қаватли уйнинг тарихидаги 2 хонали яшаш жойи сотилишини билдиради. Ҳолбуки, рус тилида: "Продаётся 2-х комнатный дом", дейилган бўлса, бу 2 хонадан иборат ҳовли сотилишини англатади. Чунки уларда "дом" дегани — "ҳовли" дегани-да. Агар кўп қаватли уйнинг тарихидаги 2 хонали яшаш жойи сотилишини билдириш керак бўлса: "Продаётся 2-х комнатная квартира", деган эълон берилди. Демак, рус тилида бу бир-биридан фарқ қиладиган тушунчалар "дом" ва "квартира" сўзлари орқали фарқлантирилади. Маъқул — аниқ-тиник, тушунарли.

Бухорода омма кўп қаватли уйдаги бир оила мўлжалланган алоҳида яшаш қисми, яъни квартирани "микрорайон" дейди. Аввал у "микрорайондаги уй" бўлган, кейин-кейин қисқариб, "микрорайон" бўлиб кетган-да. Бир бухоролик Тошкентдан ҳовли сотиб олмоқчи бўлиб, эълон буйича борибди. "Алмаштирсак-чи, шу ҳовлингизга 2 та микрорайон бераман", дебди. "Менинг ҳовлим подшонинг саройи эмас-ку сизга, 2 та микрорайон берсангиз", дебди тушунмай ҳовли эгаси.

Бу узундан-узун мулоҳазалардан кўзланган мақсад шуки, тилимизда ана шу киши тушунчани аниқ-тиник билдирадиган ифода топилши ва унинг эл тарафидан омматан қабул қилинишига эришиш зарур. Шу маънода турклар бу масалада яхши ечим топишган экан: ҳовлини "mustaqil ev", кўп қаватли уйни "apartmana", кўп қаватли уйдаги бир оила яшашига мўлжалланган қисм("квартира")ни "apartmanadaki ev" дейишар экан.

Айтганча, уй-жой олди-сотдисиди биздан фарқ қиладиган яна икки жиҳатини ҳам кистириб ўтсам, ортиқчалик қилмас. Биринчиси — кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сотилиши ҳақидаги эълонларда "1+1", "1+2", "1+3" ва ҳоказо ёзувлар ҳам бўлар экан. Бу "1 меҳмонхона (зал) ва 1 ётоқхона", "1 меҳмонхона (зал) ва 2 ётоқхона", "1 меҳмонхона (зал) ва 3 ётоқхона" маъносини англатар экан. Иккинчиси нархлар аввал турк лирасида ва кейин еврода (долларда эмас!) кўрсатилар экан.

Тизза қайдалигини биласизми?

Анкара — тоғу қирлар устига қурилган шаҳар. Бу жиҳатдан Эрон пойтахти бўлиши Техронга ўхшаб кетади. Бироқ бу ер яна ҳам тоғлироқ жой.

Текис жойда яшайдиган одам тиззаларини кам эслайди. Анкарада оёқларингиз эмас, тиззаларингиз юраётгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Тиббий статистикадан-ку хабардор эмасман, лекин, назаримда, бу шаҳар аҳлининг тиззаларига туз тўпланмаса ҳам керак. Чунки баландликка ўрлаётганда ҳам, пастликка энаётганда ҳам тиззага куч тушади.

Дарвоқе, тоғларда яшайдиган ўзбекларимиз тепага чиқишни "ўрламоқ", пастга тушишни "энмоқ" феъли билан ифодалашди. Очиғи, камина туғилиб ўсган, фақат текисликдан иборат Бухоро вилоятида бу сўзларни ҳеч ким ишлатмайди ҳам, аксарият аҳоли тушунмайди ҳам. Анкарада автобусдан тушишни "инмак" феъли билан ифодалашар экан. Тошкентда, Фарғона водийси вилоятларида: "Автобусга чиқдим", дейилади. Шу адабий меъёрга айланган ҳам. Бухорода: "Автобусга миндим", дейилади. Тошкент ё Фарғона водийси вилоятларида "минмоқ" сўзи "уловни бошқармоқ" маъносини ифодалайди. Масалан: "У автобус минади", дейилса, "У автобус ҳайдади", маъноси тушунилади. Бироқ Анкарада: "Otobusa bin!" — дейишар экан. Худди Бухорода юргандек ҳис қилдим ўзимни. Чунки Бухорода ҳам: "Автобусга чиқ!" ўрнига: "Автобусга мин!" дейилади-да.

Тоғли шаҳар эканининг яна бир белгиси шуки, бу ерда "кўча"ни "sokaq", яъни "сўқоқ" калимаси ифодалар экан. Бу биздаги "сўқмоқ"нинг кейинчалик қисқарган шаклидан бошқа нарса эмас. Айтмоқчи, Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги бир тоғли қишлоқ айнан "Сўқоқ" дейилади. У ҳам асли "Сўқмоқ" бўлган. Мана сизга таппа-тайёр этимология! Тоғли ерда аввал сўқмоқ бўлган, кейин унинг атрофига уйлар солиниб, бизнинг тасаввурдаги кўчага айланган.

Шуни ҳам кистириб ўтайки, биздаги "қишлоқ" сўзи ўрнига турклар "кой" ("күй") калимасини ишлатишди. Биздаги "кўча" сўзи ҳам, аслида, "күйча" тарзида ясалган. Айтганча, "иссиқ"ни булар "sijak" дейишар экан. Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги "Сижак" қишлоғи номи ҳам, эҳтимол, шу сўздан олингандир?

"Арабмисиз?.."

Анкара кўчаларида турли ирқ ва миллат вакилларини кўрасиз. Аммо бир тил ҳукмрон. Зангилар ҳам туркча гаплашади. Қойил-э! Суриядан келган арабларнинг аксарияти ҳам аллақачон бу тилни ўрганиб олган. Бусиз илож йўқ-да.

Анкара кўчасида суриялик бир 11-12 яшар болақай каминаниз:

— Арабмисизми? — деб сўради.

Бўғдойрангдан ҳам тўқроқ бўлган бир бухоролик беш-олти кун Анталияда денгиз бўйида қуёшда тобланганидан кейин арабнинг ўзгичаси бўлади-қолади-да. Тўғрими? Анталиянинг Аланясида бир ўзим тенги араб амаки ҳам бошқача меҳр билан салом берган эди. "Алик" олдим. Анчагача озғимга қараб турди. "Арабча гапирармикан?" деб кутди-да.

— Араб аралашроқман-у, афсус, арабчани билмайман-да, — дедим.

Лекин бугунги ўзбек адабий тилидаги ҳар тўртта сўзнинг бири арабча. Ҳар биримиз бу лисонни бир қадар биламиз, деб ҳисоблайверинг. Ижтимоий тармоқлар ривожланган бир замонда Туркия пойтахти ҳақида бошқа маълумотларни келтириб, вақтингизни олиб ўтирмайман.

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ЯНГИ АЪЗОЛАРГА ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

1-6.

Раъно Раҳимова ўзининг бахту иқболлини журналистика соҳасидаги хизматида кўрди. Узоқ йиллар Жондор тумани наشري — "Жондор воёзи" газетаси тахририятида фаолият олиб борди. Сўзга чечанлиги, ғайрату шижоати билан ҳоқимлик тизимидаги раҳбарлар эътиборига тушади, туман ҳоқимлигида турли лавозимларда меҳнат қилди. Халқ билан ҳамнафас бўлиб, оддий инсонлар меҳрини қозонди.



Жондор туманидаги "Маънавият маскани"да ўтказилган тадбирда тахрири Рано Раҳимова ҳам сўзга чиқиб, Раъно Раҳимованинг табаррук ёшда ҳам тиниб-тинчи-метганини, янги китобини нашрга тайёрлаётганини таъкидлади. Туман "Нуронийлар" кенгаши раиси Жамол Ашуров эса Раъно Раҳимова тимсолида ҳақиқий жонкуяр инсоният кўришини айтди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Жондор туманидаги "Маънавият маскани"да ўтказилган тадбирда тахрири Рано Раҳимова ҳам сўзга чиқиб, Раъно Раҳимованинг табаррук ёшда ҳам тиниб-тинчи-метганини, янги китобини нашрга тайёрлаётганини таъкидлади. Туман "Нуронийлар" кенгаши раиси Жамол Ашуров эса Раъно Раҳимова тимсолида ҳақиқий жонкуяр инсоният кўришини айтди.

туман бўлими, Ахборот-ресурс маркази каби катор ташкилот ходимлари ҳам сўзга чиқиб, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига аъзо бўлган Жондорнинг икки журналисти аёлини табриқлади.

— Эътибор ва эътироф иходкор зиммасига доим масъулият юклайди, — дейди Р.Раҳимова. — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси бўлганимдан хурсандман. Мен учун ҳам ҳали янги марралар бор, уларни биргаликда забт этамиз, албатта.

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР УЮШМА АЪЗОЛАРИ САФИДА

Гарчи касби шиғоқор бўлса-да, ўтган асрнинг 80-йилларидан буён оммавий ахборот воситаларида публицистик мақолалари мунтазам чоп этилиб келинаётган Жуманазар Мадиев Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоллигига қабул қилинди.

Термиз шаҳридаги Матбуот уйида Жуманазар Мадиевнинг ижодий фаолиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Заҳриддин Тўраев, фахрий журналистлардан Жуманазар Аноров, Тўра Қобилов, Тўрамурад Раҳмонов, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан Жуманазар Мадиевнинг ибратли ҳаёт ва ижод йўли, публицистик асарларида ёритилган долзарб мавзулар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Серқирра ижодкорнинг "Соғлом турмуш сабақлари", "Дард борки — дармон бор", "Ёруғ йўл сари", "Тиб илми яловбардори", "Соғлом ҳаёт кўприги", "Бахт белгиси — фарзанд қулгуси", "Бизга таниш лавҳалар", "Маънавият — ажодларимиз миллий анъаналари бешиги" каби китоблари нашр қилингани ҳам эътироф этилди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Журналистлар



уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси Муҳиддин Абдураҳмонов уюшма аъзоллигига қабул қилинган Жуманазар Мадиева аъзолик гувоҳномасини тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда уюшманинг Тошкент шаҳар бўлими Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишлари бошқармаси УК кўмағида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан жорий йилнинг 19-22 июнь кунлари журналистлар ўртасида спортнинг волейбол ва бадминтон турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказди.

Мусобақалар ҳар икки спорт тури бўйича эркалар ва аёллар ўртасида ташкил этилади.



Волейбол мусобақасида беллашувчи ҳар бир жамоа таркиби 6 кишидан иборат бўлади. Бадминтонда эса ОАВ вакиллари яқка тартибда иштирок этади.

ОАВ тахририятлари масъуллари волейбол бўйича жамоавий ва бадминтон уйинида яқка ва жуфтлик тартибда иштирок этиш истагини билдирган журналистлар ҳақидаги маълумотларни жорий йилнинг 15 июнига қадар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига маълум қилишларини сўраймиз.

Мамлакатимиздаги барча марказий оммавий ахборот воситалари жамоалари ва ходимларини мазкур спорт беллашувла-

рида яқка ва жамоавий тартибда иштирок этишга чорлаймиз.

Эслатиб ўтаймиз, ҳар бир жамоа аъзоси ҳамда яқка тартибдаги иштирокчи ўз ташкилоти номи ва рамизи таърифланган бир хил спорт формасида бўлиши талаб этилади.

Мусобақа ўтказилмайдиган манзил ва ўйиннинг бошланиш вақти ҳақида қўшимча маълумот берилади.

Богланиш учун телефон:
(97) 710-20-28.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Мени ҳам тингланг...

1-6. Буни эшитиб, бошимдан муздек сув қуйилгандек бўлди. Эрта-индин тўй, аммо қизнинг қалбига қулоқ осадиган одам йўқ. Узи кўриб-билиб туриб, "Чидасанг шу, чидамасанг..." дея кўчани кўрсатиб юборётган одам билан оила аталмиш муқаддас даргоҳқа қадам босиб бўладими? Аллоҳ узи тўғри йўлга бошламаса, бу никоҳ оила бўладими-йўқми?

Ҳали мактаб ёшидаги қизни узатишмоқчи бўлишлари, кўриб-билиб туриб, қизини бой хонадонга иккинчи хотинликка беришмоқчилиги... Бу каби мисолларни санасам, анчагина давом этади. Лекин бу каби вазиятларда айбдор ким? Боласининг фикрига қизикмаган ота-онами ёки гапларини ичидан ташқарига чиқара олмайдиган фарзанд?

Баъзи оилаларда қиз фарзанд паспорт олгандан сўнг "юк" сифатида қаралади. Гўёки уни эгасига бериб қутулиш керак ёки бўлмаса, "палахмон тошини" узокроққа отиш керак. Шундай отиш кераки, борган жойидан қайтиб келмасан...

Шу он бир зум ўйга чўмасан киши: нима учун баъзи ота-оналар фарзандининг оила қуришга танлов қилполмаслигини билишадими, лекин билиб туриб турмушга беришади, уйлантиради?

Ёки мўъжиза кутишадими — у ёғи бизга қоронғи. Балки, акримлар кўпайишининг туб негизи айнан шу муаммага бориб тақалар?

Бу яқин ўн йиллардаги муаммо эмас. Бундан авваллари ҳам ҳаётий масаланинг англаб етган барча инсонлар учун бу каби "тушунар-сиз" вазиятлар кўп бўлган...

Шу ўринда машур ёзувчи Шукруллонинг "Тирик руҳлар" романидаги бир воқеа ёдимда

тушади. Ўзбекистондаги биринчи ҳуқуқшунос Убайдулла Хўжаев ҳақидаги автобиографик романда ҳаётий ҳақиқатлар талайгина... Ҳозир юқоридаги мавзуга мисол бўладиган бир вазиятни эслатиб ўтмоқчиман. Асарда Убайдулла Хўжаевнинг ёш бўлишига қарамай, оқил ва тadbиркорлиги туғайли ҳатто Тошкентнинг манаман деган байларидан бири Мирзакаримбой уни куёв қилмоқчи бўлади. Бироқ Убайдулла ҳаётининг бу тарада бошлианишини хоҳламайди. Қолаверса, Россияда ўқиб истаги биринчи ўриндалигини ҳисобга олиб, бу таклифни рад қилмоқчи бўлади. Қизга шу масала юзасидан ҳат йўллайди. Яъни у қиз билан бўлаётган воқеани келишмоқчи бўлади.

Шунинг учун қизнинг фикри муҳим деб ўйлайди. Аммо анча вақт ўтиб ҳам қиздан жавоб мактуби келмайди. Сўнгра Убайдулла синглиси Иқболхонни қиздан хабар олиб келишга юборди. Шунда қиз қуйидагича жавоб беради: "Мен етимча эмас, менинг бошимда ота-онам бор. Улардан бемаслаҳат, ўзимча яширин, у кишининг мактубига бирор жавоб қайтармоғим одобдан бўлурмиди?" Унинг "андиша" билан айтган бу жавобидан қоникмаган Убайдуллани ўзбек қизларининг энг ўқи-мишли, маданиятли, илмли оиладан бўлишларига қарамай, ўз шахсий фикрларига эга бўлмаслиқлари, ўз баҳоларини қадрламаслиқлари ранжитди.

Бу ғарбча назария ёки замонавийлик эмас. Шу йил апрель ойи охиридаги ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизнинг доимий аҳолиси сони 37 миллион кишини ташкил этди. Шундан 18 миллион уч юз минг киши аёллар ҳисобланади. Бундан кўринадики, Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярми аёллар. Улар сайлаш ҳуқуқига эга. Аёллар турли иш қатламла-

рида фаолият юритади, раҳбарлик лавозимларида ишлашади ва ҳатто катта-катта жамоаларни бошқара олишади. Шундай ҳулоса қилиб, мамлакат ривожининг тенг ярами аёллар қўлида экан деб, бемалол айта оламиз.

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида аёл-қизларнинг ролини ошириш борасида жуда кўп саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш комиссияси аъзоси Саида Мирзиёева Бутунжаҳон аёллар форумида: "Аёлларимиз жаҳон тараққиётига ҳисса қўшишга қодир, бизнинг вазиғамиз эса бунинг учун қулай муҳит яратишдир. Энг қийин вазифа — аёлларимизнинг ўзларини улар энг яхшисига муносиб эканликларига ишонтиришдир. Олдимизда қийин йўл турибди, аммо бу шунга арзийди. Аёлларимизга куч бағиш-лаш орқали биз миллатимизга куч берамиз, бутун инсониятни мустаҳкамлаймиз!" — дея нутқ сўзлаган эди.

Мана шу фикрларнинг ўзиёқ мамлакатимизда аёлларга бўлган эътибор ва уларни янада фаоллаштириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлардан дарак беради. Шунда ҳам энг муҳим вазифа барибир оилада қолади. Чунки қиз бола тарбияси ва уларга ишонч беришни ота-онагина бошлаб беради. Тарихда бўлгани каби ҳозирги аёл-қизларимиз орасидан ҳам Раъно, Кумуш, Хайринисо ва Марямдек қатъиятли, заковатли аёллар чиқсин! Қачонки мамлакатда аёл ўз фикри ва ўрнига эга бўлса, ўша мамлакат тараққиётда илгариллайди. Ўсиб келаётган авлод билими ва оқила оналардан тарбия олади ва жамиятда комил инсонлар этишиб чиқаради!

Дилдора ДҶУМАТОВА.

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ



*она халқимизни яқинлашиб келаётган
Қурбон ҳайити билан муборакбод этади.
Ушбу қутлуғ байрам муносабати билан
барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-
хотиржамлик, оилавий бахт тилаймиз.
Мустақил Ватанимиз истиқболи порлоқ,
тинчлиги ва осойишталиги бардавом,
халқимиз фаровонлиги янада
зиёда бўлишини
Яратгандан сўраб қоламиз.
Шу азиз ва жонажон Ватанимизга кўз
тегмасин. Янги Ўзбекистонни қуришдек
эзгу мақсад билан давом этаётган хайрли
ишларимизнинг ижобатини кўриш, барча
ватандошларимизга насиб этсин!*

ҚУРБОН ҲАЙИТИ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

ТАЛАБАЛАР ОВОЗИ



Журналистикага ҳавас қилиб, қалбида ижодга меҳр уйғонган ёшлар бугун юртимизда жудаям кўплиги кишини қувонтиради. Уларнинг аксарияти олий ўқув юртиларида журналистика йўналишида таҳсил олиш билан бирга, тез-тез таҳририятимизга келиб, университетда олган назарий билимларини амалиётга татбиқ этишга, шахсий кузатишлари жараёнида туғилган фикр-мулоҳазаларини мақола шаклида газетда эълон қилишга интилишади.

Газетамизнинг ўтган ҳафтадаги 23-сонида ЎзМУ журналистика факультети ва “Жаҳон адабиёти” журнали қошидаги маҳорат мактабида таҳсил олаётган талабаларнинг ижодий ишларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этган эдик. Бугунги сонимизда ҳам юртимиздаги олий ўқув юртиларининг журналистика факультетларида таҳсил олаётган бир қанча бўлажак журналистларнинг ижодидан намуналар беряпмиз. Уларни ўқиб, ёш ижодкорларнинг ўй-кечинмалари ифодаси, тил ва услуби, ёзиш маҳорати ҳали бироз қиймига етмаганини сезиш мумкин бўлса-да, келажакда уларнинг қалами борган сари чархланиб, миллий матбуотимизнинг кўзга кўринган, халқнинг дарду қувончлари, ташвишларини дадил қаламга оладиган етук журналистлар бўлиб шаклланишига ишонамиз.

ТАХРИРИЯТ

Матбуот бизга керак!

Ҳозирги кунда “газета ва журналлар бизга керакмас, янгилик бўлса интернетдан ҳам билиб олаверамиз” каби гап-сўзлар тез-тез қулоғимизга чалинади. Айни дамда одамлар телефонга қаттиқ боғланиб қолганини инкор этолмаймиз. Ижтимоий тармоқлар ўз гирдобига ёш-у қарини бирдек тортиб кетяпти. Бундан ташқари, телеграмда янгилик улашувчи каналлар ҳам жуда кўп. Ҳамма янгиликни ижтимоий тармоқлар орқали билиб олаётган экан, газеталар энди ўз ўрнини интернетга бўшатиб берса ҳам бўлаверади, деган фикр тўғрими?

Йўқ, албатта. Биринчидан, газеталар ОАВнинг энг дастлабки ва ишончли воситаларидан биридир. Шу боис жаҳоннинг тараққий этган давлатларида ҳам газеталарнинг ўзига яраша ўрни, мақеи ва энг муҳими, ўз ўқувчилари бор.

Иккинчидан, газеталар фақатгина янгилик улашибгина қолмай, бизни эзгуликка чорлайди. Ундаги ибратли ва ҳаётий ҳикоялар ёшларни тўғри йўлга бошлайди. Бундан ташқари, биз газета ёрдамида санъат, адабиёт, тарих каби соҳалардаги билимларимизни янада оширишимиз мумкин. Ҳаётимизда содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар газеталарда журналист ва соҳа вакиллари томонидан батафсил ёритилади. Уларнинг ижтимоий тармоқлардан яна фарқи шундаки, биз



муаллиф нега бундай фикр юритгани, бу ўзгаришнинг қанчалик муҳим ёки муҳим эмаслиги, бизга фойдаси бор ёки йўқлиги ҳақида мушоҳада қиламиз. Демак, газеталар бизга ахборотларни етказибгина қолмай, бизни ўйлашга, фикр юритишга ҳам ундайди.

Учинчидан, газеталарда халқимизнинг дардлари ва муаммолари, миллий қадрият ва анъаналаримиз ҳам қаламга олинади.

Фикри ожизимча, одамлар лифт ихтиро

қилингани учун зинапоялардан, телевизор бор дея театрлардан, видеоқўнғироқ бўлгани учун дийдор кўришишдан воз кечмаганидек, интернет қанчалик ривожланса ҳам, газеталардан воз кечиши мумкин эмас. Тўғри, минг афсуски, бугун аксарият ёшлар газета ўқиймайди. Ҳамма қўлидаги телефон билан овора. Аммо бу газеталарнинг кераксизлигидан эмас, аксинча, ундан узоқлашганларнинг хатосидир.

Асилбек ЖАЛОЛОВ,
ЎЗЖОКУ талабаси.

Имкониятлар ЭШИГИ

Бугун Янги Ўзбекистонда ҳаётнинг барча соҳалари чуқур ислохотлар майдонига айланган. Бу борада ижтимоий соҳанинг асоси ҳисобланган таълим тизимининг ўзгаришлари, айниқса, таҳсинга лойиқ. Сўнгги йилларда таълим тизимининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида қайта ташкил этиш бўйича амалий ишлар жадал олиб борилмоқда.

Инчунин, амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий қисмини, албатта, олий таълим тизимидаги янгиликлар ташкил этади. Юртимиздаги ёшлар билими ва ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишлари учун кенг имкониятлар ва имтиёзлар яратилди. Мисол қилиб оладиган бўлса, олий ўқув юртига ўз билими билан кирган абитуриент ўқиши давом эттиришга имконияти етмаса ёки соғлиғида муаммолар бўлса, давлатимиз томони-



дан унга имтиёзли грантлар ажратилади. Шу билан бирга, юртимизда олий таълимнинг магистратура босқичига шартнома асосида ўқишга кирган хотин-қизларнинг контракт пуллари ҳам давлатимиз томонидан тўла берилаётгани таҳсинга сазовордир.

Бундан ташқари, олий ўқув юртида ва таълим тизимининг қўйи бўғинлари кезарида юртимиздаги академиклар, етакчи олимлар, умуман, илм аҳли билан учрашгандилар. Улар билан дилдан суҳбат қилгандилар. Бу бежиз эмас, албатта. Президентимиз томонидан олиб берилаётган бундай хайрли ишлар, эзгу мақсадлар мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи салоҳиятли кадрлар тайёрлашга кенг имкониятлар яратиши шубҳасиз.

Дилянура ЭРГАШҚУЛОВА,
ЎЗМУ журналистика
факультети талабаси.



Жамоат транспортининг афзалликлари

Транспорт шаҳар ҳаётининг асосидир. Юртимизда аҳоли ҳамда мансабдор шахсларга жамоат транспортларидан фойдаланишлари учун кўпроқ тавсиялар берилмоқда. Сабаб нима? Албатта, ҳавфсизлик, тирбандликнинг камайиши ҳамда ҳаво ифлосланишининг олдини олиш. Бунинг учун бизга жамоат транспортлари зарур. Жумладан, улар ишончли, қулай ва манзилга тез етиб борадиган бўлиши керак. Аҳолига бу қўлайликни яратиш учун эса бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим деб ўйлайман.

Масалан, автобекатларда автобусларнинг келиб-кейтиш вақтларини, ҳаракат жадвалини олдиндан кўрсатувчи махсус электрон қурилмалар ўрнатилиши ҳамда улар овозлаштириш тизими билан жиҳозланган бўлиши зарур. Бу кўзи ожиз ёки ёши катта инсонларга қўлайлик яратиш билан бирга, йўловчиларнинг автобус қачон келишини билолмай жигибйрон бўлишининг олдини олади. Шу билан бирга

ушбу тизимли қурилмани бир неча тилларда яратиш лозим. Бу нафақат аҳоли, балки чет эллик сайёҳлар учун ҳам қўл келади.

Иккинчи масала бевосита туризм билан боғлиқ. Қадимий шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Хива сингари Тошкент кўчаларида ҳам туристларга кўзимиз тушади. Уларни манзилларига етказиш, саёҳатларини самарали ташкил этиш учун махсус автобуслар қўйилиши лозим. Бу нафақат уларга қўлайлик яратади, балки келгусида туризмни ҳам бевосита ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Ўзимиз ҳам доимий тарзда жамоат транспортда юришни одат қилсак, зарур бўлмаган ҳолатларда шахсий автомобилдан фойдаланмасак, атроф-муҳит ва ҳавонинг тозаллигини сақлашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Бу нафақат ўзимиз, балки ён-атрофимиз ва жамиятимиз учун ҳам фойдалидир.

Муроджон МАҲМУДОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.

Тунги клублар керакми?

Келажак авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш йўлида эътибор қаратишимиз лозим бўлган масалалар бисёр. Улар орасида шундай бир масала борки, унга бугун жамоатчилик эътибор қаратиб, тегишли чоралар кўришни бошламас экан, келажак авлодининг маънавий қиёфасини камол топтириш муаммага айланиши мумкин.

Айни дамда мобил телефонингизни қўлингизга олиб, интернет орқали жондон шаҳримиз бўйлаб дам олиш масканларини қидирсангиз, сизга йиғирмага яқин тунги клублар манзили тақдим этилади.

Фикримча, бундай жойларнинг бир донаси ҳам ортиқча, аслида. Яхшилик йўлида хизмат қилмайдиган ҳар қандай нарсанинг ёмонлик учоғига айланиши эҳтимоли юқори бўлади. Тунги клублар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Хўш, тунги клубларнинг ижобий тарафи борми? Менимча, йўқ. Бунга яққол мисол: оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган нохуш хабарлар, одатда, тунги клублар номи билан алоқадор ҳолда тақдим этилади. Яъни, тунги клублар ҳақидаги ижобий хабарларни деярли эшитмаймиз. Минг афсуски, тунги клублар энгилтабиат аёллар ва оғуфурларнинг мижоз овловчи масканига айланиб қолган. Вояга етмаган айрим йигит-қизларнинг ўша ерларда вақт ўтказишга тани эса хавотиримизни икки қарра оширади.

Шундай экан, ёшларимизни тунги клубларга боришдан асрайлик. Бундай клублар фаолиятига тезроқ барҳам берайлик.

Бахтиёр ЭРКИНБОВЕВ,
ЎЗМУ журналистика
факультети талабаси.

Мени таъсирлантирган асар

Мақтабда таниқли ўзбек ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикоясини ўқиб, бу адабнинг ижодида меҳр қўйганман. Кейинчалик унинг кўплаб асарларини ўқиб чиқдим, жумладан, “Икки эшик ораси”ни ҳам.

Романда Тошкент яқинидаги қишлоқлардан бирининг чорак асрлик ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиниши асосида бутун ўзбек халқининг уруш йилларидаги матонати ва жасорати тасвирланади. Воқеалар ўтган асрнинг 40-йиллари арафасида бошланади, уруш йиллари ва ундан кейинги даврда давом этади, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласи билан тугайди. Китоб бир қатор ўзига хосликларга ҳам эга. Муаллиф, биринчи навбатда, урушни қоралайди, унинг инсоният бошига оғир кулфатлар олиб келиши моҳиятини очади, унинг жароҳатлари одамларга эзор етказишини кўрсатади. Шу билан бирга муаллиф уруш йилларида оддий одамларнинг ватанпарварлиги, бардоши, матонатини кўрсатади.

Романдаги қаҳрамонлар ҳам бир-бирини тўлдириб, асарга ўзгача кўрк бағишлаган. Ундаги Ориф оксоқол, Хусан Дума, Комил табиб каби қаҳрамонлар ўзининг ёрқин феъл-атвори, ажабтовор қилликлари ва фазилатлари билан барчамизга ўрнак бўла олади. Муаллиф, айниқса, Ориф оксоқол образини маҳорат билан тасвирлаган. У — айни чоғда ҳақиқатни юзга айтишдан чўчимайдиган шартаки, жасоратли одам.

Кимсан Хусанов образи ҳам ажойиб. У мард, тантти, ориятли йигит. Аммо урушда ҳалок бўлади. Ўлими олдиндан жасорат кўрсатиб, бир неча фашистларнинг капитанини ўзи билан бирга сув тубига фарқ қилиб олиб кетади. Аёл образлар ҳам бир-бирини тўлдириб, ўзбек аёлининг матонатини яққол очиб берган. Масалан, Қора амма тимсолида жуда

меҳрибон, фарзандлари учун жонини беришга тайёр она образи гавдалантирилган. Робия тимсолида эса софлик, ҳалоллик, маънавий баркамоллик сифатлари жуда яхши очиб берилган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бу асар ҳаётининг, табиийлиги билан ажралиб туради. Роман халқ ҳаётининг муҳим жиҳатларини очиб бериши, одамларимизнинг гўзал ва баркамол маънавий қиёфаларини кўрсатиши билан катта бадиий қиммат касб этади.


Гуляруно НАЗАРОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси.

“LETHARGIC”лар масъулиятни ҳис қилмайдими?

Офтоб бойнинг қасри-ю камбағалнинг харобасига бирдек нур сочгани каби, таълим даргоҳларида ҳам барчага баробар илм олиш учун шарт-шароитлар яратилган. Бироқ ёшларнинг аксарияти бундан унумли фойдаланмайди. Кимдир доим машғулотларга кечикиб боришни одат қилса, кимдир дарс пайтида ором олишни яхши кўради, яна бирининг ҳамроҳи — дангасалик. Чет эл медицинаси бунга “Lethargic” (энергия ва иштиёқ етишмаслиги) дея ном берган. Умумий қилиб айтганда, бугун биз “Lethargic” бўлиб қоляпмиз, масъулиятсизлик, мақсадсизлик касаллиги вужудимизни қўлгаб олмоқда. Хўш, нега шундай? Нима учун олдимизга юксак марралар, мақсадлар қўйишга чўчиймиз? Нега мақсадимиз томон илдам ва шахдам қадамлар ташлашда толиб қоляпмиз?

Келинг, бу ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин талабаларнинг ўй-фикрларига қулоқ тутаёлик:

ЖАЛОЛИДДИН:
— Кеча соат учгача “PUBG” ўйнаб-миз, мана энди ухлаб қолибман. Соат саккиздан ўтибди, кечикдим. Барибир



дарсга киритмайди. Ўзи бугун икки пара дарс бўлса, бир парагагина бориб нима қилдим? Яхшиси, уйкуни давом эттириш керак.

АББОС:
— Университетга кириб ҳам ҳеч нима ўзгармади. Яна ўша гап: “дарсга кечикма”, “уйга вазифани бажар” — тугамайдиган иш бу. Бу йил биринчи йил бўлса. Уйимдагилар харажатларимни қўлаб туришибди. Маза қилиб уйинкулги қилиб қолиш керак.

ДИЛАР:
— Ҳали университетга кетишимга бир соат бор, бўянишим, сочиними турмакларим керак. Оқ қўйлагимни кеча кийгандим, бугун қанақа кийинсам экан-а?

САНЖАР:

— Контракт тўловига ҳам оз қолди. Дарсдан чиқиб ишга боришим керак. Яна эртага сўвмак ҳам бор, чарчаб қоламан. Эртага бормай қўя қоламан дарсга.

МАРЖОНА:

— Стипендия тушишига оз қолди. Ҳаво ҳам исий бошлади. Янги туфли олишим, яна “парфюмерия”ларимни янгилашим керак.

РУСЛАН:

— “IELTS”им бўла туриб, чет элга кетолмасам. Тўғри, бу ерда грантда ўқиялман, ишлаялман, уйимга ҳам пул жўнатаман, лекин битирган, 4-5 миллион сўм ойликка яшаб бўларимиди? Қизил паспортимни ҳам олдим. Энди

бир амаллаб ота-онамни кўндириб олсам, ўқув йили тугаши билан Дубайга ишлагани кетаман.

Юқорида санаб ўтилганлар деярли барча университет талабаларининг ҳаёлини банд қилган ўйлар. Айрим талабалар танлаган ОТМларида омади келиб кириб қолгани учун ўқийдилар. Сабаби, уларнинг ягона мақсади олий таълимни олиш ва яхши ишда ишлаш. Қайси университет бўлиши эса аҳамиятсиз. Гуё талаба бўлгач, кўзланган мақсадга эришилган ва энди олдинга ундовчи иккинчи мақсад йўқ.

Абитуриентлик даврида эса ижтимоий муҳит таъсири юқори бўлади, яъни ўқишга кириш учун тайёргарлик кўраётганлар ўзлари каби мақсади бир ёшлар билан ҳаракат қилиб, имтиҳон учун етарлича билим ва кўникмаларга эга бўладилар, рақобатларда тобланадилар.

Пауло Коело “Алкимегар”ида айтганидек: “Агар бирор нарсага чин кўн-гилдан эришишни истасанг, бутун кинот сени унга етиштириш пайида бўлади”. Қилинган ният, қўйилган мақсад, албатта, амалга ошади, агарда собит қадамлар ва ишонч билан ҳаракат қилинса. Олдимизга катта мақсадлар қўйишдан, ушалмасдек кўринган орзулар қилишдан қўрқмаслик зарур. Ким бўлиб тутилганининг аҳамияти йўқ, аммо ким бўлиб ўлишинг ўз қўлингидан.

Машхура БУРҲОНОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

“AGROBANK”дан янги лойиҳа:

“AGRO INVITRO”

Сизнинг боғингиз – сизнинг инновациянгиз

Сўнги йилларда аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Унинг самараси ўлароқ, илгари кузатилмаган юксак натижаларга эришилмоқда. Бу жараёнда қишлоқ хўжалигига инновация ва илғор ишланмалар, интенсив ва ресурс тежовчи технологиялар, умуман, замонавий фан-техника ютуқларининг изчил татбиқ қилинаётгани муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Зеро, юртбошимиз айтиб ўтганидек, қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайд.

Ҳозирги кунда бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлиқни ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи долзарб бўлиб бормоқда. Ўз навбатида, айнан ушбу масаланинг илғор ечимларини тақлиф этиш мақсадида, “Agrobank” томонидан қишлоқ хўжалиги йўналишида бир нечта уникал лойиҳалардан иборат экотизим яратилган. Хусусан, қишлоқ хўжалигида серҳосил ва экспортбон мева кўчатларини етиштириш, манзарали дарахт ва гуллар импортини камайтиришни таъминлаш учун молия муассасаси сўнги технологиялар асосидаги “Agro Invitro” лойиҳасини тақдим этмоқда.

Мазкур лойиҳа асосида Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида 20,4 гектар ҳудудда намунавий кўчатлар етиштиришга мўлжалланган лаборатория комплекси ишга туширилгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Лойиҳанинг асосий мақсади ҳосилдорлиги юқори, кафолатланган, экспортбон ҳамда замонавий селекция, генетика технологиялари асосида кўчатлар етиштириш ва шунинг натижасида юртимизда мева-сабзавотларнинг янги, серҳосил навларини кўпайтиришни таъминлашдир. Унинг умумий қиймати 20 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, кўчат етиштиришнинг барча босқичларини ўз ичига олади.

Куни кеча лойиҳа тақдимоти Ғаллаорол туманидаги “Agro Invitro” комплексида бўлиб ўтди. Тақдимотда ОАВ вакиллари, соҳанинг маҳаллий ва халқаро мутахассислари, олимлар, деҳқон ва фермерлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Бу лойиҳа мамлакатимизда кўчат етиштиришга янгича ёндашуви жорий қилади. Хусусан, “Agro Invitro” лабораторияси ўз соҳасида етакчи бўлган Европа (Нидерландия) компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Лаборатория кўчатларни ташқи муҳитдан ҳимояланган, вирус ва касалликлардан тозаланган шароитда автоматлашган ва тизимланган услубда етиштиришни таъминлайди. Бу услуб кўчатларнинг кафолатланган (сертификатланган) ва сифатли бўлишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, Европа (Нидерландия) компанияси технологияси асосида автоматлашган сунъий микроклим муҳитини яратувчи, ойнаванд сўнги 5-авлод иссиқхонаси барпо қилинган. Иссиқхона технологиялари иситиш ва совитиш жараёнларида 50 фоизгача энергия тежалишини таъминлаши кўзда тутилган.

Харидорлик кўчат навларини диверсификация қилиш мақсадида, 5 гектар ер майдонида 40 хил навадаги 6 минг дона сертификатланган хорижий мева, узум ва манзарали кўчатлар боғи яратилган.

Иссиқхонадан кейинги босқич учун эса мевали ва манзарали дарахтлар, узум кўчатларини екиш мавсумларига тайёрлаб бериш учун 10 гектар майдонда кўчатхона ташкил қилинган. Мазкур лойиҳа амалга ошириш натижасида комплексда йилига 10 миллион дона кўчат етиштирилган.

Лойиҳани ишга тушириш давомида хорижий маҳалли мутахассислар жалб қилинибди. Шунингдек, етакчи хорижий лабораторияда кўчатчиликнинг сўнги технологияларини яқиндан ўрганиш мақсадида 10 дан ортиқ маҳаллий мутахассислар ўз тажрибаларини ошириб келишган.

Тақдимот давомида “Agro Invitro” лойиҳасига хорижий мамлакатлар, шу жумладан, кўшни Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган соҳа мутахассислари ҳам катта қизиқиш билдириб, ҳамкорлик бўйича бир қатор тақлифларини беришди.



Agrobank



Серик ДЖАНТАСОВ,
Қозғистон миллий аграр тадқиқот университети Ўсимликларни микроклинал кўпайтириш лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди:

– “Agro Invitro” лаборатория кўчатхонаси – юқори технологияларга асосланган, саноат усулида кўчат ишлаб чиқариш лойиҳаси бўлиб, назаримда, МДХ ҳудудида эталон лойиҳа ҳисобланади. “Agro Invitro”



коллекциясида жаҳон селекциясидаги сўнги йилларда яратилган янги навлар ҳам бор. Келгусида ушбу компания Марказий Осиёда янги замонавий интенсив боғлар яратишда катта хисса қўшишига ишонамиз ва биз ушбу компания билан яқиндан ҳамкорлик қилиш истагини билдирамиз.

Максам АХМЕДЖАНОВ,
Скръбин номидаги Қирғизистон миллий аграр университети лаборатория мудири, биотехнолог:

– Тўғриси айтиш керак, бу каби лабораториялар кўплаб МДХ давлатлари, қолаверса, Европа давлатлари учун ҳам орзу деб ҳисоблайман. Чунки бу комплексга хориждан энг сўнги юқори технологиялар келтирилган бўлиб, боғдорчилик ва узумчилик тармоғи ривожланишига ҳамда келгусида Марказий Осиё давлатларини мева, узум маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишда етакчи мамлакатлар қаторига олиб чиқишига ишонаман.

Илья КРАСНОЩЁКОВ,
Иссиқхона ва очик ирригация тизими соҳасида 18 йилдан ортиқ тажрибага эга мутахассис (Gakon Netafim, Нидерландия):

– Ушбу инновацион технологиялар лойиҳаси Марказий Осиё ва МДХ ҳудудида уникал лойиҳа бўлиб, Европа мутахассисларининг тажрибасини ўзида мужассам этган. Лойиҳада турли участкаларда микроклим назоратини таъминлаш, уни тўлиқ автоматлаштириш, санитария меъёрлари, сугориш сувини филтрлаш ва дезинфекция қилиш, мослашиш зоналари ва сувни зарарсизлантириш бўйича энг илғор технологиялар бирлаштирилган. Мажмуа йилига 10 миллион тулгача узум ҳамда мевали дарахт кўчатларини етиштириш имконини беради. Ушбу натижага эришиш учун қишда қаттиқ микроклим назорати (+28 С) ва ёзда зарур совитиш таъминланади.



Алексей КУРБОНАЕВ,
Ўсимликлар етиштиришни автоматлаштириш бўйича “Viscop Group” (Нидерландия) компанияси вакили:

– Ўзбекистонда кўчатларни замонавий лабораторияларда етиштиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Бу йўналишдаги 5 йиллик фаолиятим давомида турли мамлакатлардаги кўплаб лабораторияларда бўлдим ва ишонч билан айта оламани, Ўзбекистоннинг “Agro Invitro” компанияси ҳам ишлаб чиқариш қуввати, ҳам технологик жиҳозлаш бўйича МДХ давлатлари орасида етакчига айланди. Бу лабораторияда кўчатларнинг илдиз отиши, уларни ўстиришнинг клим назорати, муҳитни тайёрлаш ва автоматик бошқариш энг илғор технологик илмий ечимларга асосланганлиги билан аҳамиятлидир.

“Agrobank” қишлоқ хўжалигида илм ва инновацияларга асосланган янги лойиҳаларни татбиқ этишда ҳамда уларни ҳар томонлама кўплаб-қувватлашда давом этади. Соҳада эришилаётган муваффақиятлар эса халқимиз турмуши фаровонлигига хизмат қилади, албатта.

Ислом АСИЛБЕКОВ,
“Hurriyat” муҳбири.
Тошкент — Жиззах — Тошкент

ХОРИЖ

“SAMSUNG” КОМПАНИЯСИДА ИШ ТАШЛАШ

Жанубий Кореянинг “Samsung Electronics” компанияси ходимлари компаниянинг 55 йиллик тарихида биринчи марта иш ташлаш эълон қилди. Бу ҳақда “BBC” хабар берди.

Маълум бўлишича, компания ходимлари шу тарзда юқори маош олишга интилиммоқда. “Иш ташлаш “Samsung Electronics” хотира чипларини ишлаб чиқариш бўйича бошқа технология компаниялари орасида устунлик учун курашаётган пайтга тўғри келди”, — дейилади хабарда.

Ушма расмийларнинг таъкидлашича, технология гиганти раҳбарияти билан иш ҳақини ошириш ва бонуслар бўйича бир неча босқич музокаралар муваффақиятсизликка учраган. “Samsung” иш ташлаш компаниянинг ишлаб чиқариш ва бизнес фаолиятига таъсир қилмаганини айтган. “Биз иттифоқ билан самимий ҳамкорлик қилдик ва биргаликда музокараларни давом эттирамиз”, — деган компания вакиллари билан.

ХИТОЙНИНГ ТАЛАБИ

Хитой ТИВ раҳбари Ван И Пекин Украина бўйича Россия иштирок этиши мумкин бўлган ҳақиқий тинчлик конференцияси чакирлиши тарафдори эканини айтган.

Маълумки, жорий йилнинг 15–16 июнь кунлари Швейцарияда Украина бўйича тинчлик саммити бўлиб ўтиши, унда Россия, Хитой ва бошқа кўплаб йirik давлатлар иштирок этмаслиги аввалроқ хабар қилинган эди. Москва ва Пекин Россия манфаатларини ҳисобга олган дипломатик саъй-ҳаракатлар Украина инқирозини ҳал қилишда муваффақият қозона олмаганини бир неча бор таъкидлаган.

— Украина инқирози давом этмоқда, Хитой ўз вақтида ҳақиқий тинчлик конференциясини чакирлиши тарафдори, — деди Ван И Нижний Новгородда БРИКСга аъзо давлатлар ТИВ раҳбарлари йиғилишида.

Хитой ташқи ишлар вазири Россия ҳам, Украина ҳам тан оладиган конференция ўтказиш зарурлигини қўшимча қилган. Шунингдек, у ушбу саммитда барча томонлар тенг иштирок этиши ва барча тинчлик режалари ҳалол муҳокама қилиниши кераклигини таъкидлаган.

ВЛАДИМИР ПУТИН ШИМОЛИЙ КОРЕЯГА БОРАДИ

Россия президенти Владимир Путин яқин ҳафталада Шимолий Корея ва Вьетнамга ташриф буюриши кутилмоқда. Бу ҳақда “Ведомости” хабар берди.

Россиянинг Шимолий Кореядаги элчиси Александр Матсэра Путиннинг Пхеньянга ташрифи фаол тайёргарлик қўриляётганини тасдиқлаган. “Вьетнамга сафар КХДР президенти ташрифидан сўнг дарҳол июнь ойида бўлиши мумкин”, — дейилади хабарда.

Бунгача Россия президенти ёрдамчиси Юрий Ушаков Путин жорий йил 3-4 июль кунлари бўлиб ўтаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Остона саммитида иштирок этиш ниятида эканини маълум қилган. Ушаковга кўра, бошқа ташрифлар ҳақида гапиришга ҳали эрта, лекин улар, албатта, содир бўлади.

Путин ҳокимиятдаги 24 йиллик фаолияти давомида Шимолий Кореяга фақат бир марта, 2000 йилда биринчи президентлик мuddати бошланганда ташриф буюрган. КХДРнинг амалдаги раҳбари Ким Чен Ин Россияга охириги марта ўтган йилнинг сентябрида ташриф буюрган эди.

НАРЕНДРА МОДИ ЯНА БОШ ВАЗИР БЎЛДИ

Нарендра Моди жорий йил 9 июнь кунини учинчи мuddатга Ҳиндистон бош вазири этиб сайланган. Бу ҳақда Ҳиндистон маҳаллий нашрларига таяниб, “Al Jazeera” хабар берди.

Манбада айтилишича, бу гапга сайловларда Модининг “Бхаратия Жаната партияси” парламентада кўпчилик ўрнидан маҳрум бўлган. Партия ҳукумат бошқарувини ўзида сақлаб қолиш учун бир неча ҳамкорлари билан коалиция тuzган. У учинчи мuddатга Ҳиндистоннинг бош вазири сифатида қасамёд қабул қилган. Шунингдек, дунёдаги энг кўп аҳолига эга мамлакатда коалицион ҳукуматнинг сибсат аниқлигини таъминлаш қобилиятини синаб кўришини маълум қилган.

Ҳиндистон президенти Дроупади Мурму Нью-Дехлидаги президент саройида минглаб таниқли шахслар, жумладан, етти кўшни давлат раҳбарлари, Болливуд юдузлари ва саноатчилар иштирок этган тантанали маросимда Модига қасамёд қабул қилдирган. Қасамёдда тарихда илк бор мамлакат номи Бхарат дея қайд этилган. Ушбу ном мамлакатнинг хинд тилларидаги вариантини ифода этади.

Нарендра Моди ҳозирда 73 ёшда. Унинг учинчи мuddатга қайта сайланиши партиясидаги беқарорлик туфайли сўнги вазифага киришиши сифатида қайд этилган.

Қасамёдда Нарендра Моди ўз партияси расмийлари ва коалициядаги шериклари раҳбарлари билан бирга Ҳиндистон конституциясини ҳимоя қилишга ваъда берган.

Интернет маълумотлари асосида Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

“ADOLAT ZIYO NUR” адвокатлик фирмаси томонидан Рустамов Низом Шакировичга 2021 йилда берилган №2058-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ



*барча
ватандошларимизни
яқинлашиб келаётган
муборак байрам –
Қурбон ҳайити билан
самимий табриклайди.*

*Ушбу саодатли кунларда
Аллоҳдан мўмин-
мусулмонларнинг дуо-
илтижолари, савоб
амалларини хусни
қабул айлаши ҳамда
Ватанимизни янада обод,
халқимиз фаровонлигини
зиёда қилишини сўраймиз.*

*Хонадонларингиздан
қут-барака, меҳру
оқибат ва хотиржамлик
кўтарилмасин, юртимиз
тинч, маҳаллаларимиз
обод, фуқароларимиз файзу
фарозатда бўлишсин.*

*Яратган зот ушбу
қутлуг айёмни муборак
айласин, диёримизни
турли офату
кулфатлардан ўзи асраб,
тинчлик-хотиржамлик
неъматини бардавом
қилсин!*



ТАРИХ ТАХТИДАГИ МАЛИКАЛАР ҚИСМАТИ



ёхуд адиба қаламининг сеҳрли замзамалари

1-6

Адибанинг “Кечиккан бахт” ҳикояси бу дунёда ҳамма нарсанинг омонат эканлиги, агар инсон ўз бахти учун вақтида курашмаса, у ҳовучин-гиздаги олтин қум зарралари мисол йўқликка сочилиб кетишига гўзал бир ишора эди. Унда ёш, ниҳолдек титроқ, гунчалардек ҳаёли ва тортинчоқ, бу дунёни фақат бахтдан иборат деб билган аёл қалбининг бир нафасда совуқ урган, қовжирган, қийғос очилиб, борлиқни муаттар насимга тўлдирган оламнинг заволга юз тутиши шундай ҳаққоний ва моҳирона тасвирланган эдики, бундай тасвир фақатгина аёл кўзи билан оламни кузатаётган, сўзни қисмат деб билган истеъдоднинг қўлидан келиши мумкин эди. Раҳматли Тоғай Мурод билан бир кунги оиламиз даврасида Шаҳодатхон ҳақида сўз кетганида, унинг қаламидаги ўзига ҳос тасвирлар жисибаси ҳақида тўхталиб, “Шаҳодатнинг ҳикоялари келгусида қийғос гулга кирадиган боғнинг илк меваларидир. Улар тотли ва ҳаётбахш. У мард ва истеъдодли адиба”, — деган эди.

Мана, йиллар ўтиб, истеъдодли адиба Шаҳодат Исахонваннинг ижод боғи кўзни ва кўнглини қувонтириб, шовуллаб турибди. Кўп заҳматлар, бедор тунлар, наср оламининг кўзга кўринмас парда ортидаги илоҳий олами экпнларини ҳис қилиш ва қаламга олиш... Тарих тахтида виқор ва фусун, теран илм ва доғишманлик, беназир ҳусн ва оқиллик тимсоли бўлиб ўтирган аждодларимиз бўлган улуг аёлларимиз руҳи билан рўбарў келиш ва мулоқотга киришиш... Ернинг, турмуш ташвишларининг зил қанотларини қайириб, самонинг кўз ёшдек илиқ ва ёқимли томчиларини туйиш...

Булар оддий сўзга сиғмайдиган ҳолатлардир. Ҳақиқий ижодкор қалби ва теран нигоҳи эса дунёга ана шундай тансиқ ва шифобахш, аччиқ ва оғриқли, нури ва фожиали тилсимларни етказиб беради. Шаҳодат Исахонваннинг кейинги йилларда яратган, бадиий маҳорат ёғдулари каби қалбни шуълалантирган тўрт романи тўртта Турон маликалари қисмати ҳақидаги залворли асарлардир. Ўйлаб қолам: адиба ўз олдига кўйган ижодий режа залвори тарихнинг улугвор тоғлари елкасида турган ва келажак авлод билиши, унга бус-бутунча етказиш олий бурч бўлган буюқ ҳақиқатлардир. Мактаб дарсликларидан берилган маълумотларни янада тўлдириб, она Ватан тимсолини теран аниқлаш, миллий томирларимиз, қадриятларимизни бор бўй-басти билан кўрсатиш ва уни танитиш — ҳар бир ижодкорнинг фарзандлик бурчидир. Ҳар бир инсон ўз тарихини таниса — Ватанини танийди. Шу маънода, адиба Шаҳодат Исахонова ана шундай шарафли, бирок машаққатли меҳнатга қўл уриб, тарих билан рўбарў бўлди. Табиийки, ўсиб келаётган қорақўлларимизда улуг моламоларнинг қиёфасини кўз олдига гавдалантириш учун сўздан жавоб излайди. Адибани улук йиллар қизиқтириб келган кўҳна мозий сирлари соҳибалари — эркакларнинг етим қовурғасидан яратилиб, бу дунёнинг юкини биргаллашиб елкалашган гўзал ва кўдратли зотлар — она Ватан тимсоли бўлган ҳўкмдорлар, фозиллар, забардаст олималар, шоиралар қисмати... Массагетлар ҳўкмдори Тўмарис ва дунё саҳнасида шуҳрат топган улуг аёллар тақдирини... шулар жумласидандир.

Ҳазрат Амир Темурнинг жон таслим қилишдан олдинги сўнги васияти: “Заифаларни кўрингиз”, — деган сўз бўлган экан. Жумлаи олам аҳлига қаратиб айтилган сўз, аслида. Нозик хилқатнинг дунёни бошқаришга-да қодир бўлган қудрати ҳақида бу сўз...

Улуг Амир Темур ҳазратлари ёнида туриб, кўпинча сафарларда бирага бўлган малика Бибиҳоним қандай аёл эди? Тарихий манбаларга таяниб, адиба унинг сўздаги сиймосини шундай латифлик би-

лан чизади. “Шаҳзодаларнинг дунёвий, диний, фалсафий билим олишлари мажбурий эди. Бу вазифа буюқ Амир Темур салтанатининг бош маликаси Бибиҳоним зиммасида эди.

Бибиҳоним — 1341-1346 йиллар Моғоруннаҳр (Чигатой улусти) тахтига ўтириб, тўрт йил ҳўкмронлик қилган 22-хон жўжинажот шаҳзода Султон Қозонхон Ясовурхон ўғлонининг қизи — Сароймулкхоним ўтган йили кузда пайғамбар ёшига тўлган бўлса-да, ҳали қарилликка бўй бермаган, қомати тик, ёноқлари биланар-билимас бўртиб турган, оппоқ кулча юзлари ажинсиз, бодом қовоқлари устидан ҳўлолдек эзилган қошлари ингичка ва қора эди. Қўнғур қорачиқли, хиёл қисқ кўзларининг нигоҳлари жиддий, лаблари кичик, лекин қалинлиги учун гапирганда истараси янаям иссиқ кўринар, шу боис табассум қилганда мулоийм тортарди. Овози сокин ва оҳангли, нафасидан таралаётган сўзлар суҳбатдошининг кўнглига оқиб кираётган каби уни бир зумда ўзига эл этарди.

Улугбек Мирзо ота-онасидан йироқда доимо бобоси ва бибиси тарбиясида улғаяётгани учунми, Бибиҳонимга суяниб қолган, ҳозир ҳам худди бўтапоқлардек ортидан эргашиб бормоқда эди.”

Улугбек Мирзонинг бўтапоқлардай эргашиб юриши... Улуг аёл, меҳрибон бувижон Сароймулкхоним — Бибиҳоним ортидан... Эҳтимол, буви-ю набира тунлари ой шуълаларида пармоқ ётган, юлдузлар жилва қилган самога соатлаб тикилиб ўтирган бўлса, ажаб эрмас. Эҳтимол, Улугбекнинг ёш гидрокиннинг ипак шуълалари улуг Аёл боис кўк тоқига чирмашгандир?! Ҳар ҳолда, бу менинг ожиз тасаввурларим... Аммо асарга жуда ярашиб турган бу жумла адибанинг бизнинг қалбимизга нозик ишоратидир, балки?

Шаҳодат Исахонова романларини ўқиб, бир нарсга амин бўлдимки, адиба уларни яратиб жараёни олдидан тарихнинг ўқувчига маълум ва маълум бўлма-



ган далилларини чуқур ўрганиб, аввал ҳам ушбу мавзуда ёзилган манбалар билан синчиклаб қоғиштирган. Янги-янги манбаларни излашга ҳаракат қилган. Бадиий асарлардаги ҳар бир лавҳа, шаҳарлар тарихи, улар қурилишидаги тарихий аниқлик манбалари кўрсатиб ўтилиб, ўқувчи учун ҳам ёқимли таассурот уйғотган. “Бибиҳоним” тарихий романининг бошланғичида Самарқанд шаҳри тарихи, Амир Темур ҳазратлари томонидан яратилган улуг ва латиф боғларнинг шоирона тасвири ёки тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур хижрий 801 йили (милодий 1399) Бағдод шаҳрини бир йил ичида қайта тиклаш ҳақида фармон бериши, муҳандислар томонидан зудлик билан тайёрланган мукамал лойиҳа асосида кўпгина турар-жой бинолари, бозор, майдон, ҳаммомлар қури-

лиши, боғ-роғлар, боғчалар, хиёбонлар бунёд этилиши, Аракс дарёсидан каналлар чиқарилиб, шаҳар сув билан таъминланиши, Боилкон кўрғон-шаҳри қайтадан қурилиши, шаҳарнинг узунлиги икки юз минг тўрт юз газдан иборат айланма мудофаа девори қайта тикланиши ҳақидаги маълумотлар жуда қизиқарли бўлиб, адибанинг кизгин ижод жараёнларини кўз ўнгингизда гавдалантиради.

Асарни ўқиб жараёнида Бибиҳоним теран ақли, шарқона одоби ва ҳаёси, бағрикенглиги, давлат бошқарувидаги сиёсий тафаккури билан ўқувчини ҳайратга солади. Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг аёл тафаккури ва салоҳиятини нақадар қадрлаши, талотўп дунё зиддиятларига ечим топишда унга суяниши асарда жуда гўзал талқин қилинган: “Амир Темурнинг чеҳраси ёришиб, Бибиҳоним томон юзланди. Бибиҳоним Алмалиқийнинг сўзини тасдиқ ишораси ила ифода этаркан, сўзламакка тутинди.

— Шундай, ҳазрати олийлари, мактуб сўнгида Султон Аҳмад Жалойир ва қора Юсуф Туркманлар ила боғлиқ сўровингизда зикр этилди.

Маълумингизким, элчи Манғлий Бугаи ҳожиб жаноблари келтирган мактубда Носир Фараж уларни тутиб, зиндонбанд қилгонлиги хусусида сўз кетмишиди...

— Кўп ва ҳўб яхши, бишим... — Бибиҳонимнинг сўзини бўлиб миннатдорчилик изҳор этди Амир Темур. — Уларниг тақдир у аёмолларини ҳам бизга қўйиб беришларига шўъма эйтингизми?

— Шундай, ҳазрати олийлари! Ҳар иккисини ҳам элчимиз Абдуллоҳ Коший жанобларни билан борғон навкарларимиз илқига тайин этдим.”

“Туркий маликалар”нинг ҳам шарафли, ҳам фожиавий қисмати, тож-тахт учун кураш, сарой хонимларининг чегара билмас фитналари, жанг ужадалларда дарё-дарё тўкилган қонлар, оддий халқнинг қалбига ўшалмас армонлар бадиий асарда гўят маҳорат билан тасвирланиши ўқувчи қалбини ўзига ошуфта қилади. Маликаларнинг гўят кучли иродаси, матонати, мамлакат миқёсидаги ҳайратомуз иштироки, гўлдан-да нозик шоирона қалбининг таҳрир тилларида тилиниб, умрига яқун яслаши қалбни ларзага солади. Бибиҳонимга заҳар берган кимсанинг ҳам итдек хор бўлиб ўлиши “қайтар дунё” ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни ёдга солади.

Яна савол туғилади: малика Гавҳаршод бегим қандай аёл эди? Истеъдодли адиба таназзулга юз тутиб бораётган темиррийлар давлати инқирозидан қалби изтиробга чулғаниб, бир нафас ҳаёлга чўмган маликанинг кўнглидан кечган туғёнларни моҳирлик билан шундай ифодалайди:

“Шаҳзодаларни ўйласа, Гавҳаршод бегимнинг фиғони фалакка ўрлаб, юраги сиқиларди. Улар на соҳибқиронга, на хоқони саидга ўхшади. Ҳатто аёл боши билан салтанат посанеисини қирқ йилдан ошиқ Шохрух мирзо билан бирга туттишган Гавҳаршод бегимга ҳам тортишмади. Ҳали болалик чоғларида раҳматли қилбағоҳи Ғиёсиддин Тархон кўлида қилч ўйнади, от чоптирадиған Гавҳаршод бегимни ўғлонларига ўрناق қилиб кўрсатарди.

— Эвачингиз қиз бола бўлса ҳам анда улуг бобомиз Кучлукхоннинг сиғи бор! Саманини қандай бошқаришини кўрдингизми?! Ҳақиқий найман баҳодирлари тулпорни ана шундай елдирадурлар! Қаранг, тулпор тамоман анинг итөөтанда! Чунки отага ёшининг фарқи йўқ, ул жонивор учун чавандознинг салоҳияти қадрли. Салоҳиятли чавандозлар отини ҳам, ўзини ҳам асрайди. Отини ҳам, ўзини ҳам асрай билган одамгина дунё тизгинини қўлда тутта биладу! Агар эвачингиз ўғлон бўлиб туғилганда эрди... Улуг бобомиз қили найманларнинг сардори бўлурди! Найманлар ўр, жангаари эса-да, мард, адолатли, жасоратли, энг

асосийси, бир сўзли қаёмдур. Алар соқилмайду, хиёнат қилмайду, ор-номус учун ўлимга тик бораду! Аларни Чингизхон ҳам енга олмаган. Йўқса, найманларнинг саксон фоиэ элини мўғуллар қириб ташлашган. Барибур бўйсундира олишмаган. Шундин сўне, Чингизхон аларнинг жасурлигига қойил қолиб, ўзига эш қилган, салтанатининг нонини бўлишган ва аларни махсус “Тархон” унвони бирлан сийлаган... — ҳаяжонланиб найманларнинг “Тархон” унвони-ю унинг даражаси, ҳатто ўлимга ҳўкм қилинган тақдирда ҳам неча маротаба кечирлиши ҳақида фахрланиб, қайта-қайта сўйларди Ғиёсиддин Тархон.

Ғиёсиддин Тархон башорат қилганидек, Гавҳаршод бегим “сардор” бўлмас-да, Яратганнинг инояти билан унга маликалик насиб этди. Ҳўкмдорнинг заважларидан бири ёки шунчаки ёстиқдоши эмас, балки унинг машаққатли ҳаёт йўлидаги содиқ йўлдоши, қўш қаноти бўлди...”

Аёлнинг тилсимли кучи ҳар қайси замон ва маконда ҳам жамият тараққиёти учун нақадар муҳимлиги ушбу бадиий бўёқларда ҳаққоний ўз ифодасини топган. Маликанинг мамлакат ободлиги учун ўз ҳўкмдорининг қанотида туриб, амалга оширган савобли ишлари заргарона қалам билан қалбимизга кириб боради.

“Нодираи даврон ёхуд амирнинг тавқи ланат тўни” романида халқимизнинг қалбига асрлар мобайнида ардоқланиб келаётган, шеърлари қонимизга сингиб кетган Ҳўқанди латиф маликаси шоира Нодирабегимнинг руҳий оламига дуч келамиз. “Мақсад на эди, келдинг жаҳона, Кайфиятини баён этиб кет”, деган сатрлари ёдимиздан ўтади. Академик шоир Фафур Фуломнинг “Момойи гису набурида” номли ёнишларини азоб билан хотирлаймиз. Юпунгина кийинган Увайсий онамизнинг Нодирабегим теграсида парвона мисол ўртанишлари, ҳур фикрат эгаларига қилинган тазийқлар, бедаво дардга чалинган амир Умархоннинг ўлим олди тавбалари... китобхони беҳтиёр ўз қомига тортиб кетади. Ҳўснда беназир, ақл-заковатда беназир, садоқатда беназир маликанинг гуноҳи нима эди? Замон учун аёл муҳаббатга, аёл закоси шунчалар беқадр эдими? Воқеалар шиддати қалбни ғалаёнга солади. Амир Умархоннинг биродарқушлигу хунрезликлари, ахлоқсизликлари, майхўрликлари Аллоҳ қаҳрига учрайди. Қарғиш олган бутун бир авлод ҳалокатга юз тутди. Адиба бемор амир Умархон билан Нодирабегим орасида бўлган суҳбатда олинган қарғишни эслатади. Адибанинг зулм кўрган қалбларнинг ноласи учун осмон эшиклари ҳамиша очиқ эканлигига қилган бу ишораси китоб кўлбига тушган ҳар бир инсонни ўйлашга мажбур қилади:

— Огангиз... Элга зулм этган гуноҳкор эркан, лек анинг норасидаларининг айби не эрди? Аларни нечун қатл эттирдингиз? Тошканд ҳокими Шералихон энди 18 ёшга тўлиб эрди! Қолгон икки ўғлонлари эрса бизнинг фарзандларимиз Муҳаммадалхон бирлан Султон Маҳмудхонлар киби энди бир мучал ёшга етган бир гўдак эрдилар-ку! Шундай мурғак инсонларга, бунинг устига, жон-жигарларингизга, жиянларингизга бул қадавр аянчи қисматни қандай раво кўрдингиз, олампахоҳ?!

— Пушаймонмен, маликам... — Умархон бошини хонтахтага уриб йиғлаб юборди. — пушаймонмен!

— Оҳ... Бул пушаймонлиг, дод-войлару оҳ-воҳлар, кўз ёшлари бирлан ювилса кошки эрди, — Нодирабегим бошини надомат билан чайқади. — Анинг тўлови, тавони оғир бўладир! Ё, Раб! Ўзинг кечир! Ушал қуни аммаганин не деб қарганини эслайсизму?

— Эслаймен, маликам... Ҳар қуни эслаймен! Эсламасам, унутсам кошки эрди...

— Ё, Аллоҳ, ўшал нолалар ҳамон қулоқларим остинда жаранглаётир! “Менга бу қуни раво кўрганларнинг ўзлари ҳам, зурриётлари ҳам қирчинингда қийилсун!” деб дуойибад этган эрдилар-а!

— Ҳа, қирчининдан қийилмоқ фурсати етди, кеча табиблар бедаво дардга мубтало бўлганини сўйлашди... Табиблар бир ойлик умрим қолғонини сўйладилар... Қазою қисматга рози бўлмоқдин ўзга оложим йўқ...”

Шундай... Умр карвони шу тахлит асрларни ортда қолдириб, кетиб боравераркан. Тарих эса ўзининг адолат қалами билан ўз зарварларига кечмишини ёзиб бориб, бизни оғоҳ қилавераркан.

Нодирабегим шундай ёзади:

На гул сайр айла,
на фикри баҳор эт,
Жаҳондин кеч, ҳаёли васли ёр эт.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт.

Узору қадду рафторингни кўрсат,
Чаман сарву гулини шармсор эт.

Лаби махмурдурмен жоми май тут,
Карам қил, соқиб, дафъи ҳумор эт.

Аналҳақ жоғаросин айладинг фош,
Кел, эй, Мансур, истиқболи дор эт.

Дури ашқу ақиқи, хуни дилни,
Келу ёринг аёғига нисор эт.

Куйиб, эй Нодира, олам элига
Муҳаббат шевасини ошкор эт.

Кўшдек ловуллаб турган аёл қалби — малика Нодирабегим руҳиятини адиба роман саҳифаларига нурдек сингдириб юборади.

Амир Насрулло каби қалб кўзи кўр бўлган ғамроҳлар тараққиётни жиловлаб, халқ онгини ўрта даражадан паст ушлаб турувчи, Нодираи даврон қатлига ҳеч иккиланмай муҳр босувчи кимсалардир. Аёлнинг ҳур қалби, тиниқ фикри ва истеъдоди, овоз руҳияти учун ғов бўлган Амир Насрулло каби жоғиллар миллат оналари, тарих олдида абадий гуноҳкор бўлиб қолди. Ўтмишининг қора қулларини моҳирона қаламга олган Шаҳодат Исахонова аёл маърифати дунёларни жаҳолатдан қутқарувчи нур эканлигининг қалб таржималаридир.

Ўзбек адабиёти муҳташам, улуг адабиёт. Забардаст шоир, ёзувчиларимиз, истеъдодли азамат ўғлонлари бор бу адабиёт қаҳқашонида Шаҳодат Исахонова каби аёл дунёсини тарих қатидан қафлларига оҳиста қўйиб бизга тутаетган гўзал ва дилбар, истеъдодли адибанинг борлиги ва пешқадамлиги ҳаммамиз учун қувончдир.

...Денгиз соҳилида узок ўтирганимда бир ҳолат мени ҳайратга солганди. Оппоқ қумли соҳилин бетиним юваётган тўлқинлар гўё пойгага шайланган гўзал аргу-моқларга ўхшарди. Боши ва охири кўринмаётган денгиз, тўлқинга тўш бериб учаётган чағалаларнинг қанотларида сув томчилари қуёш нурида арқирарди. Нима демоқчиман? Ҳассос қалби денгиздай теран адибамиз беором қалби қатидаги дуларни халқимизга — ўз ўқувчиларига бахшида қилди. Бу дурлар чағалай қанотидаги шаффоф томчиларни эслатди менга. Зеро, томчида қуёш акс этади. Тўлқинларнинг абадий қўшиғида эса сир бор, синоат бор. Адиба Шаҳодат Исахонваннинг денгиздек қалбидан эса адабиёт яна бетакрор мўъжизалар кутиб қолади.

Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира.

1-6. — Алло, бу "Ишонч телефони"ми?
— Ҳа, оператор Динара Ирматова эшитади.
— Ирматова? Эрматова, денг.
— Энди битта сиз қолувдингиз "замечания" қилмаган. Паспортимда шундай ёзилган. Кимсиз, нима гапингиз бор?
— Мен Баҳромжон Қултурраевман.
— Адресингизни айтинг.
— Ўзбекистон...
— Ўзбекистонлигини биламан. Қайси вилоят, қайси туман, шаҳар, қишлоқ, кўча?
— Анкета тўлдирасизми?
— Тартиб шунақа. Нима шикоятингиз бор?
— Шикоятим йўқ.
— Нимага кўнғироқ қилаяпсиз бўлмаса?
— Сизларнинг тўғригингизда бир китоб чиққан экан, шуни қардан олсам бўлади?
— Мен қаёқдан билай? Бу ер китоб дўкони эмас.
— Биламан...
— Билсангиз, вақтни олманг.
— Намунча кўполисиз? "Ишонч телефони" китобиди сизларни жуда бошқача таърифлаган-ку.
— Я одна, вас много. Мақсадга ўтинг, илтимос.
— Мақсадга ўтсам, мен фермерман. Лекин ўзим Тошканди тураман. Шерободда эллик гектар еримиз бор. Пахта экамиз, ингичка толали. Бир ҳолам Шерободга тушган. Шулар билан бирга ташкил қилганмиз фермер хўжалигини. Сурхондарёга поездда тез-тез қатнаб тураман.
— Хўш?
— Хабарингиз бордир, Бойсун орқали темир йўл қурилган. Борганмизми?
— Йўқ, бормаганман.
— Бир келинг, кўриб ҳайратга тушасиз. Тогларни кесиб шундай йўл қурганми... Э, ҳукуматга қойил-э, лекин. Фермер хўжалигини-мизда пахтадан ташқари ғалла экамиз, қовун-тарвуз... Ҳамма нарса бор-да, ишқилиб. Шерободнинг бугўдони ҳам зўр бўлади. Қовун-тарвузини-ку айтайми кўя қолай, асал дейсиз, асал. Баҳром фермер десангиз, Шерободга ҳамма билади. Буруноғи йили Президентимиз орден бердилар. Бутун хўжалигимизда байрам бўп кетди, десангиз...
— Муборак бўлсин, лекин, уэр, бизга нима мақсадда телефон қилаяпсиз?
— Яқинда поездда Сурхонга кетаётим, бир киши билан танишиб қолдим, битта купеда кетдик-да. Кўп одамхон, шинаванда киши экан. Узи шоир экан. Йўл бўйи гурунқ қилиб бордик. Шу одам бир китобни кўрсатиб, роса мактади, зўр китоб, деди. Нимани ёзган, десам, э, сўраманг, бир жойини ўқисангиз куласиз, бир жойини ўқисангиз жилайсиз, деди. Китобни олиб, мундай қарасам, устига "Ишонч телефони" деб ёзилган. Ҳайрон бўлиб, олдида суриб қўйдим, телефон ҳақида экан-ку, телефони нимаси қизигу нимасига жилайсиз, дедим. Шоир қулди.
— Сиз аввал буни ўқиб кўринг, деди. Кейин узи ёнбошлаб уйкуга кетди.
Йўл узоқ эмасми, ҳай, бир ўқисам ўқийин, деб тўғри келган жойдан ўқишга туштим. Бир ерида мени бўламди ёзипти. Фақат отини

НИЯТ ВА АМАЛ

Ўзвучи Хайридин Султоннинг "Ишонч телефони" китобини ўқиб...

Худойберди, деб ўзгаририпти-да, мени бўламди оти Худойкул. Бегмат Ражабович дегич киши мени бўламди қаёқдан танийди, шунисига ҳайронман. Худди ўзи, бир туки кам эмас, ё, товбангдан кетай! Худойкул бўламан эртаю кеч уйда ётади. Ҳеч қимирлагиси келмайди. Фермада қанча иш бор. Трактор ҳайданг десам, энди қора мойга ботиб тракторни тириллатиб юраманим, дейди. Олтита боласи бор, қизларининг бўйи етиб қолган, эрта-индин чиқариши, катта улини аллақандай уйли қилиши керак. Бу гаплар хаёлигаям келмайди. Узи ёш, девдай кучи бор. Телевизорди олдида танда курган. Футбол жинниси, бир улининг оти Марадона, яна бири Роналдо, бу икки "футбол юлдузи"нинг ҳам мўйлови сабза уриб қолган. Шуларни ўйлаб, нима бўлсаям қариндош деб, янги "Нексия"ни бердим. "Шуни ҳайдаб ферманинг ул-бул ишини қиласиз, ҳам рўзгорингизга қарайсиз", дедим. Ишонасизми, жон синглим, бир ой минди, бир ойда яп-янги машинани уч марта уриб олди. Нима эмши, радиодан футболни эшитиб кетаётган экан, Роналдо гол урипти, суюнгандан икки кўлини осмонга кўтариб бақирипти, машина симёгочга бориб урилди. "Э, бўла, — дедим, — шу футбол нима беради сизга, болаларингизга қарасангиз-чи", десам, кўзини лўқ қилиб нима дейди денг: "Болаларимга нима қилти, Худого шукур, эсон-омон журипти, ўйнаб-кулиб" дейди. Эртаси куни машинани эшигимиз тагига ташлаб кетипти. "Олсин матоҳини, менга керакмас", депти хотинимга. Фурурлари баланд. Ўзим кал, кўнглим нозик, деганлари айнан шу кишига тегишли. Э, синглим, айтаберсам, гап кўп. Худо ўзи иқсоф бермаса қийин экан, бандасининг кўлидан келмас экан бировни ўзгаририш. Бегмат Ражабовичдай одам бўласини ўзгариришга маъруза ўқишда шундай китоблардан фойдаланаман. Айбга буюрмайсиз, бирон жойдан излаб топарсиз", деди-ю хайр-маъзурни насия қилиб, тушиб кетди...

Мен бу китобни аввал Шерободдан, сўнг Термиздан изладим. Йўқ. Китоб магазини-дагилар ҳатто номини эшитмаган. Умидим Тошкентдан эди, афсуски, бу ердан ҳам топладим. Балки ўша китобни топшига ёрдам берарсизлар, деб сизга кўнғироқ қилдим. Вақтингизни олганим учун уэр, Динараҳон.
— Ҳечқиси йўқ. Афсуски, китоб топиб бериш бизнинг функциямызга қирмайди. Хайр!

нослиқда ўқийман.
— Шарқшунослик институтидими?
— Институтмас, университет...
— Хўш, нима хизмат?
— Менга Маҳбуба опанинг телефони рақамини топиб беринг.
— Ким у Маҳбуба опангиз?
— Бўлмаса, ўзвучи Хайридин Султоннинг телефони топиб берсангиз.
— Такрор айтаман, бу ер маълумотлар бюроси эмас. Бизда ўзвучиларнинг телефони рақами бўлмайди. Жуда керак бўлса, ана, Ўзвучилар уюшмасига кўнғироқ қилинг.
— Кўнғироқ қилдим уларга, бир эмас, бир неча марта. Доим битта жавоб: бизда у кишининг телефони рақами йўқ. Сизлар ҳамма нарса биласизлар-ку, ёрдам беринг, опажон.
— Ҳатти қиз экансиз-ку. Ўзвучида нима ишингиз бор?
— Мен китоб "жинниси"ман. Ойим, мунча кўп ўқийсан, сал дам ол, бунақада касал бўлиб қоласан, дейдилар. Хўп, дейман-у, яна китоб ўқишга тушаман. Баъзан ишларим ҳам қолиб кетади. "Ишонч телефони" деган китобни ўқидим-у яна тинчим йўқолди. Биласизми, опажон, сизга қандай тушутирсам экан, китоб ўқийвериш, унинг қахрамонларига ачиниш йўқайвериш, кўзларим ишиб кетди. Ойим кўрққанидан дўхтирга олиб бордилар. Мана шу китобдаги Маҳбубанинг тарихини ўқиб, шундай таъсирландим, шундай таъсирландим... Ҳаётда шунақа муҳаббат бўлиши мумкинми? Айниқса, бизнинг замонда. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Отабек ва Қумуш, Ромео ва Жульетта... Буларнинг бари ўзвучиларнинг фантазияси, ҳаётда бундай бўлмайди, деб ўйлардим. Энди билсам, булар экан. Улардан ҳам зиёда булар экан. Маҳбуба билан Жўрабекнинг муҳаббати ҳеч қимниқига ўхшамайди. Шу қадар соф, шу даражада тиник, ҳеч қандай таъмо аилинжисиз муҳаббат! Бир-бирининг ҳатто кўлини ҳам ушламай пок туйғулар ила севиш... Ё, Оллоҳ, шундай одамлар ҳам бор экан-да орамизда. Бу, Жўрабек аканинг ҳаракатлари, сўзлари... Шу қадар олижаноб йигит бўладими?! Жўрабек акадай келишган, мавқеи баланд йигитлар қизларга қанақа муносабатда бўлиши барчага маълум. У эса Маҳбубага бирон ноҳўя ҳаракат қилиш у ёқда турсин, ҳатто севигилсидан тортинадди, ийманнади. Шунчалар одобли, маданиятли... Менимча, у Оллоҳ таолодан ҳаё қил-

лади. Маҳбуба опа тўғри айтган: "У кишига энг аввал Азроилнинг суқи кирган".
Маҳбуба опа бизнинг университетда ўқиган экан. Университетдан суриштирдим, фамилиясини билмаганим учун ҳеч қим танимади. Балки ўзвучи телефон рақамини, адресини билар. Шуни сўрамоқчи эдим. Агар Маҳбуба опани топиб, гаплашсам армоним қолмасди.
— Кечирасиз, сизга ёрдам беролмайман. Саломат бўлинг, хайр.

МАҚСУДА ОПА

— Алло, "Ишонч телефони"га тушдимми?
— Оператор Динара Ирматова эшитади.
— Қизим, мен Бодомзордан Мақсуда опангизман, ўргилай, Юсупжоновна. Сизга олдин ҳам кўнғироқ қилган эдим. Ўғлим Турғунжон масаласида, эсингиздами, болам?
— Қачон эди?
— Аниқ эсимда йўқ, уч ойлар бўлди-ёв.
— Ҳа, у пайтда бу ерда бошқа қиз ишлаган. Нима хизмат?
— Хизмат йўқ, болам. Ўғлим Турғунжоннинг масаласида кўнғироқ қилиб, адолат қилишларини сўраган эдим. Арзи-додим раҳбаримизга етиб боришти шекилли, адолат қарор топди. Болам қуруқ тўхмат балосидан қутулиб, юзи ёруқ бўлди, жон қизим. Неварам Назомибек кечагинда битта китоб кўтариб келди: "Буви, бунда Сизни ёзиштипти", деди. "Вой, болам, мени нимамни ёзади?" десам, "Мана, ўқинг", деб "Ишонч телефони" деган китобни қўлимга берди. Бундай варақласам, китобнинг бошида менинг исимим турипти-да. Моҳидил қизимга нима деган бўлсам, оқизмай-томизмай ҳаммасини ёзипти, барака топкур ўзвучи. Ҳайронлар бўлдим, қойил қолдим. Бу ўзвучи мени танимаса, мен у кишини танимасам, қаёқдан олиб ёзганига ақлим етмайди. Қувонганимдан сизга кўнғироқ қилаяман-да, жон қизим. Ҳақиқат юзага чиққанини элу юрт билиб қўйсин, дедим-да. Ҳозир адолат йўқ, ҳақиқат йўқ, деб нолийдиганлар кўп. "Ишонч телефони"га ҳам ишониб бўлмайди, дейишди. Отигингиз нима эди, қизим?
— Динара.
— Динара қизим, ҳақиқат бор, адолат бор. "Ишонч телефони"га ишонса бўлади. Мана, ўғлим Турғунжон бунга яққол мисол-ку! Пайғамбаримизнинг сўзлари бор, "Дарҳақиқат, барча амаллар ниятга қараб бўлади", деган. Шу гапни эсдан чиқармайлик. Яхши ният билан ҳаракат қилган одам кам бўлмайди, ўргилай қизим. Турғунжоннинг бошидан тўхмат аригандан кейин азбаройи суюнганимдан миннатдорлик билдириш ҳам ёрдамдан қўтаришган экан, қариллик-да энди, болам. Айтмоқчи, Моҳидил қизим қаёқдалар? Сизлардан бир умр миннатдорман, ҳаммаларингга узоқ умр, бахт-саодат, соғлиқ-омонлик тилаб, беш вақт намозимда дуо қиламан. Илоё, раҳбаримизнинг ҳам олтин бошлари омон бўлсин, дунё тургунча турсинлар, омин!
— Омин. Сиз ҳам соғ-саломат бўлинг.
— Менинг раҳматимни раҳбаримизга албатта етказиб қўйинлар, хўпми?
— Хўп, опажон, хайр.

Телефон қўнғироқларини Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ қозоғга туширди.

ОГОҲЛИК

ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК



Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. У бир неча дақиқа ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликларини ёндириб, қулга айлантиради. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ва газлар кўп миқдорда атмосферага кўтарилиб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, ёнғиннинг энг ёмон оқибатларидан бири шуки, унда кўплаб инсонлар жароҳатланади, ҳатто халок бўлиши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат муҳофазасини таъминлаш билан бирга, ёнғин хавфсизлигига ҳам қатъий риоя қилишни тақозо қилади. Ҳозирги пайтда sanoat корхоналарида ёнғин хавфини камайитириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилган, ишлаб чиқариш цехлари хавфсиз ишлайдиган электр ускуналар билан жиҳозланган. Sanoat корхоналари бино ва иншоотларини қуришда тез ёнувчан қурилиш материалларидан фойдаланилмапти. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган системалари тобора кенгрок қўлланилмоқда. Лекин ёнғин чиқилишининг олдини олишда, ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ва улар бу борада тўлиқ хавфсизлик талабларига риоя қилишларига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Sanoat корхоналарида бундай тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қондалари, йўриқнома ва

бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилиши керак. Республикамызнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаш ва асраб-авайлаш, уни бойитиш ҳақида қайғуриши лозим. Шу боис sanoat корхоналарида ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқилишдан огоҳлантириш, ўт ўчириш техникаси ва қуролларини, алоқа ва ўчириш воситаларини шай ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда, уни ўчиришда фаол қатнашиш, халқ мулкани асраб-авайлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишлари мунтазам олиб боришмоқда.

А.АШНРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси МБ ЁХТТЕ 1-бўлинмаси бошлиғи, капитан.
С.САИДАҚБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси МБ ЁХТТЕ 1-бўлинмаси кичик инспектори, кичик сержант.

ҚУТЛОВ



QURBON HAYITI

muborak bo'lsin!

Biznesni Rivojlantirish Banki

www.brb.uz

1254

